

**Турамуратов Улуғбек Урақович**

Термиз давлат педагогика институти

Педагогика ва инклюзив таълим кафедраси ўқитувчиси

E-mail: [turamuratovu@gmail.com](mailto:turamuratovu@gmail.com)

Тел.: +998974770660

---

**УДК:** 378.6:37.091.12:159.9

**ORCID:** 0009-0006-2565-2410

### **ДУАЛ ТАЪЛИМ ШАРОИТИДА ПСИХОЛОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ДОЛЗАРБ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА**

**Аннотатсия:** Ушбу мақолада ривожланган давлатлар тажрибаси мисолида жамиятни ислоҳ қилиш жараёнларининг таълим ва тарбия тизимидан бошланиши зарурлиги таъкидланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022-йил 28-январ куни мактаб таълимини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилишда билдирилган таклиф ва ташаббуслари асосий мавзу сифатида ёритилган. Йиғилишда педагогика институтлари ва университетлари базасида "мобил методик гуруҳлар" ташкил этилиши, уларга таълим сифати паст мактабларга ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилиши ҳақида сўз боради. Шунингдек, педагог кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш учун олий таълим муассасалари билан мактабларнинг узвий боғлиқлиги таъминланиши режалаштирилган. Бу орқали талабалар, мактаб педагоглари ва олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг малакаси оширилиши назарда тутилади.

**Калит сўзлар:** таълим ислоҳоти, педагогик малака, замонавий таълим муассасалари, давлат-хусусий шериклиги, кадрлар тайёрлаш.

---

Ривожланган давлатлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, уларда жамият ҳаётини ўзгартиришга қаратилган ислоҳотлар, аввало, таълим тизимидан, боғча, мактаб, тарбия масаласидан бошланганини кўрамиз. Чунки мактабни, таълим-тарбияни тартибга солмай туриб шахсни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев раислигида 2022 йилнинг 28 январь куни мактаб таълимини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Давлатимиз раҳбари ушбу йиғилишда қуйидагиларни таъкидлаб ўтдилар:

“...ҳар бир вилоятда педагогика институтлари, университетлар, академик лицей ва ихтисослаш мактаблар психологларидан иборат “мобиль методик гуруҳлар” ташкил қилинади. Улар таълим сифати паст бўлган мактабларга бориб, педагоглarga янгича ўқитиш услубларини тушунтиради ва кўмаклашади. Бунинг учун уларга алоҳида ойлик устамалари берилади.

Педагог кадрларни тайёрлаш тизими ҳам тубдан такомиллаштирилади. Бунинг учун Тошкент шаҳридаги 5 та ҳамда ҳудудлардаги 17 та олий таълим муассасалари доимий тарзда мактабларга бириктирилади. Талабалар 1-курсданок мактаблар билан

боғлиқ тарзда ўқийди. Бу орқали ҳам талабанинг, ҳам мактаб психологсининг, ҳам олийгоҳ муаллимининг касбий маҳорати ошади<sup>1</sup>”.

Ўзбекистонда улуғ алломаларимиз – Мирзо Улуғбек ва Муҳаммад Хоразмий номидаги иқтидорли болалар мактаблари, халқимизнинг ардоқли адиблари номлари билан аталган ижод мактаблари, “Темурбеклар мактаби”, қолаверса, Президент мактаблари, хусусий мактаблар сингари янги ва замонавий намунадаги таълим даргоҳлари ташкил этилгани юртимиз фарзандлари учун таълим-тарбия олиш борасида янги имкониятлар очиб бермоқда.

Бугунги кунда иқтисодиётнинг фаол сектори сифатида – инновация технологиялар, ИТ соҳасидаги янгиликлар, буларнинг асосида эса илм-фаннинг тароққиёти турганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бозор иқтисодиёти талаблари асосида рақобатбардош, етук малакали кадрлар тайёрлаш ҳар доим диққат маразимизда турган масала бўлиб қолаверади. Давлатимиз раҳбари тамонидан илгари сурилган таълим тизимини давлат-хусусий шериклик асосида ривожлантириш ғоясининг провард замирида ана шу мақсад ётибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябр куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида бугунги глобаллашув жараёнида ёшлар тарбияси нақадар муҳим масала эканлигини яна бир бор таъкидлаб, жумладан, шундай деган эдилар:

“Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарздаларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ.

Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир<sup>2</sup>”.

Маълумки, педагогика ва психология фанлари ёш авлодни тарбиялаш ва унга таълим беришнинг мазмун-моҳияти ва муаммоларини ўрганувчи фанлардир. Демак, “Келажагимиз – ёшлар қўлида” деган ҳаётий ҳақиқатга асосланадиган бўлсак, Ватанимиз тараққиёти, халқимизнинг фаровон келажаги ҳам бил восита, ҳам бевосита психология соҳасининг тараққиёти билан узвий боғлиқ эканлигига шубҳа йўқ.

Ёшларимизни зарарли ғоялардан: турли хил ахборот хуружларидан, “оммавий маданият” кўринишидаги ахлоқсизлик иллатларидан, тажовузкор миллатчилик ва айирмачилик ҳаракатларидан, янгича кўринишдаги фашистик ва экстремизм ғояларидан огоҳ этиб туриши зарур. Ёшларнинг маънавий-мафкуравий иммунитетининг юксалиб бориши ҳар хил зарарли ғояларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Бугунги глобал ўзгаришлар даврида бунга эътибор бериш психология соҳасидаги устувор вазифалардан биридир.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йилнинг 28 январь куни мактаб таълимини ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишда сўзлаган нутқидан. “Янги Ўзбекистон” газетаси, № 20 (542). 2022 йил 28 январь.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқидан. // “Халқ сўзи”, 2017 йил 20 сентябрь.

Шу ўринда қайд этишимиз ўринлики, мухтарам Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёевнинг донолик билан айтган қуйидаги мулоҳазалари тарбия ва жамиятдаги шарт-шароитли муҳитнинг уйғунлиги бугунги кун ёшларининг руҳий ҳолати ва келажак камолотида муҳимлиғни ифода этади:

“Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз.

Ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда, Абдурауф Фитрат бобомизнинг мана бу фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишларини жуда-жуда истардим:

“Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб, иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юқини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ”.

Бугунги кунда ён-атрофимизда диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” деган турли бало-қазоларнинг хавфи тобора кучайиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу сўзларнинг чуқур маъноси ва аҳамияти янада яққол аён бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиғи ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда”[3] Олдимизда турган кейинги ўн йилликни прогноз қилдиган бўлсак, барча соҳалар каби таълим-тарбия соҳасида ҳам катта ўзгаришлар кутилмоқда. Тажрибалар шуни кўрсатаптики, фан-техника ва илмий тараққиёт ютуқлари ишлаб чиқариш билан биргаликда амалиётга татбиқ этилиши юқори самара ва муваффақиятга эришишнинг калити бўлиб хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йилнинг 28 январь куни мактаб таълимини ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишда сўзлаган нутқидан. “Янги Ўзбекистон” газетаси, № 20 (542). 2022 йил 28 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқидан. // “Халқ сўзи”, 2017 йил 20 сентябрь.
3. Мирзиёев Ш. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан. // “Халқ сўзи”, 2016 йил 8 декабрь.
4. Краевский В.В. Методология педагогики: новый этап: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений / В.В. Краевский, Е.В. Бережнова. – М.: Академия, 2008. – 400 с.
5. Qurbonova, Z. (2024). OLIY TA'LIM MUASSASALARI TA'LIM-TARBIYA JARAYONIDA TA'LIM TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH USULLARI. *Research and Implementation*.
6. Qurbonova, Z. M. Q. (2024). OLIY TA'LIM TIZIMIDA SHARQ ALLOMALARI ASARLARIDAN FOYDALANISHNING MAVJUD HOLATI VA UNI TAKOMILLASHTIRISH YO'LLARI. *Academic research in educational sciences*, (1), 283-286.